

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУЗАФФАРОВ НОДИРБЕК САИДОВИЧ

**ЎТКИР ОБТУРАЦИОН ХОЛЕЦИСТИТ ТАШХИСЛАНГАН КЕКСА ВА
ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Музаффаров Нодирбек Саидович

Ўткир обтурацион холецистит ташхисланган кекса ва қари ёшдаги
беморларни даволаш натижаларини оптималлаштириш5

Музаффаров Нодирбек Саидович

Оптимизация результатов лечения больных пожилого и старческого возраста
с острым обтурационным холециститом.....25

Muzaffarov Nodirbek Saidovich

Optimization of treatment results in elderly and senile patients with acute
obstructive cholecystitis.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУЗАФФАРОВ НОДИРБЕК САИДОВИЧ

**ЎТКИР ОБТУРАЦИОН ХОЛЕЦИСТИТ ТАШХИСЛАНГАН КЕКСА ВА
ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахманов Маъмур Мустафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Эшонходжаев Отабек Джураевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгашида 2025 йил « 10 » октябрь соат 19:00 да бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 68 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация автореферати 2025 йил « 1 » октябрь да тарқатилди.
(2025 йил « 1 » октябрь даги 40 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Т. Уроков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.М. Абдурахманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ҳозирги вақтда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши натижасида глобал миқёсда кекса ва қари ёшдаги беморларда учрайдиган шошилиш жарроҳлик патологиялари, жумладан, ўткир обтурацион холецистит (ЎОХ) каби касалликларнинг тарқалиши ва муаммолари жуда долзарб ҳисобланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...дунё бўйлаб ҳар йили тахминан 10 миллион нафар беморда ўткир холецистит қайд этилади, улар орасида кекса ва қари ёшдаги беморлар улуши 20–30% ни ташкил этади. 2030 йилга келиб дунёда 60 ёшдан юқори аҳоли сони 1,4 миллиард нафарга етиши кутилмоқда...»¹, бу эса кекса ёшдаги беморларда ўткир жарроҳлик патологиялари муаммосини янада долзарблаштиради. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2024 йил ҳолатига кўра 60 ёшдан юқори ёшдаги аҳоли умумий аҳолининг 9,8% ни ташкил этади ва ушбу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ мураккаб клиник кечиши, асоратлар ва юқори ўлим кўрсаткичи билан ажралиб туради. Бу эса мазкур контингентга махсус ёндашув талаб этишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар маълумотларга кўра, ушбу ёш гуруҳида ўткир обтурацион холецистит ҳолатлари умумий холециститлар сонининг 35–45% ни ташкил этади. Кекса ва қари ёшли беморлар орасида ўлим кўрсаткичи 5–10% ни ташкил этиши қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич ёш беморлар билан таққослаганда уч–беш марта юқори ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон амалиётида эрта лапароскопик холецистэктомия тактикаси асосий тавсия этилаётган стандарт усул сифатида қабул қилинган. Бироқ мутахассисларнинг таъкидлашича, кекса ва қари ёшдаги беморларда бу тактикани қўллашда индивидуаллаштирилган ёндашувлар талаб қилинади. Ҳар бир бемор учун хавфсиз ва оптималлаштирилган жарроҳлик тактикасини танлаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, беморнинг умумий ҳолати, функционал захиралари, лаборатор ва инструментал текширув натижалари асосида эрта ёки кечиктирилган лапароскопик холецистэктомия тактикасини асосли равишда танлаш зарур.

Мамлакатимизда ҳам ушбу тенденциялар билан уйғун ҳолда ўткир обтурацион холецистит ташхисини эрта қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ва ўлимни камайтириш бўйича миллий тажрибалар шаклланиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим қарор ва фармонлари ушбу соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Хусусан: «...кекса ёшли аҳоли учун тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш ва замонавий жарроҳлик ёрдамидан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида...»²,

¹ World Health Organization. (2023). Global report on ageing and health. // <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/ageing-and-health>

² «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Кекса авлод ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий ҳимоясини кучайтириш» тўғрисида ПФ-60-сонли фармони, ҳамда 2022 йил 12 апрелдаги ПҚ-210-сонли «Кекса фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорда ва 2023 йил 1 мартдаги «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва профилактик тиббий кўрикларни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-81-сонли фармонида ҳам кекса ёшли беморларнинг саломатлигини эрта аниқлаш ва уларда шошинч жарроҳлик асоратларини камайтириш мақсадида замонавий усулларни жорий этиш кўзда тутилган.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансформация қилиш, унинг сифатини ошириш ва ҳудудларда хирургик операциялар миқёсини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»³, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Диссертация мавзусининг Республикадаги илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республикада фан ва технология ривожланишининг VI устувор йўналиши — «Тиббиёт ва фармакология»га мувофиқ равишда амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тиббий марказлар ҳозирги вақтга ҳам кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холецистит ЎОХ ни даволашда консерватив терапияни афзал кўришади ва беморларни режали жарроҳлик аралашуви босқичига олиб боришга интилишади. Бу ҳолат кўпинча логистика тизимидаги муаммолар билан ҳам боғлиқ. Масалан, Исроил клиникаларида логистик чекловлар мавжудлиги жарроҳлик аралашувини кечиктириш учун асос бўлиб хизмат қилади, шу жумладан, кекса ва қари ёшда бўлмаган беморлар орасида ҳам (Rosim D., 2022; N. Sakran, et al., 2021; J.B. Yuval, et al., 2020).

Адабиётларда кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни даволашда миниинвазив паллиатив усуллариининг самарадорлигига оид ўнлаб клиник ҳолатлар тавсифланган. Клиницистлар хулоса қилишларича, икки босқичли даволаш усуллари амалга оширилиши мумкин, хавфсиз ва салбий клиник оқибатларга боғлиқ эмас. Бу эса кекса ва қари ёшдаги беморларда жарроҳликдан кейинги асоратлар сонини камайтиришга имконият беради (Ҳайдаров Ф.Н., 2022; Ў.У.Рўзиев ва бошқалар, 2024).

Шу билан бирга, кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни икки босқичли даволашнинг турли схемаларини ишлаб чиқиш радикал аралашувнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 12.11.2020 йилдаги ПҚ-4891-сон

паллиатив операциядан сўнг қачон амалга оширилишига оид бир хил қарашга келинмаган вариантлар сонини оширди. ХЭЖ амалга оширилиши муддатини танлашда анъанавий ёндашув яллиғланиш реакцияси муддатлари билан асосланади. Бироқ, кекса ва қари ёшдаги беморларда яллиғланиш жараёни кўп ҳолларда умумэтироф этилган қоидаларга мос келмайди, бу эса чуқурроқ ўрганишни ва перкутан холецистостомия (ПХС)дан сўнг ХЭЖни амалга ошириш муддатини танлаш мезонларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, яллиғланиш жараёни шиддатини камайтириш мақсадида деструктив ўчоқни санация қилиш усулини танлаш муҳим тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фотодинамик терапия юқори самарали антибактериал терапия усули ҳисобланади. Ундан фойдаланишда ҳатто антибиотикларга чидамли штаммлар — масалан, тилларанг стафилококк, ичак таёқчаси ва бошқа микроорганизмлар мавжуд бўлган ҳолатларда ҳам, уларнинг сезгирлигини аниқлаш зарур эмас (А.И. Гусейнов ва бошқ., 2023; Кустов А.В., 2023; Е.К. Немкова, 2021; Тешаев О.Р., 2023).

ФДТнинг ижобий хусусиятларидан бири — унинг маҳаллий бактерицид таъсиридир, бу эса ножўя таъсирлар улушини камайтиради. Бу хусусият фотосенсибилизаторлар қўлланилиши билан боғлиқ бўлиб, улар тўқималарга сингиб, бактерицид жараёни фаоллаштиради (Хамдамов Б.З., 2022; Э.А. Маркова ва бошқ., 2014; В.В. Жарков ва бошқ., 2015).

Икки босқичли жарроҳлик муолажаларини қўллаш — яъни перкутан холецистостомия ва кейинчалик холецистэктомияни амалга ошириш — операциянинг иккинчи босқичини техник жиҳатдан мураккаблаштиради ҳамда интра- ва операциядан кейинги асоратлар юз бериш эҳтимолини юқори қилади. Қоникарсиз натижаларнинг асосий сабаблари сифатида фатал асоратлар ва техник муаммолар келтириб ўтилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ЎОХ билан оғриган кекса ва қари беморларда жарроҳлик даволашнинг биринчи босқичидаёқ яллиғланиш ўчоғини самарали санация қилиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Соҳага оид мавжуд адабиётларда ЎОХ билан оғриган беморларда тери орқали эндобилиар санация жараёнида ФДТдан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумотлар йўқ. Шу боис, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар истиқболли ҳисобланади. Шунингдек, ЎОХни даволашнинг иккинчи босқичи бўлган ХЭЖнинг қоникарсиз натижалар эҳтимолини башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Диссертация тадқиқоти амалга оширилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тери орқали эндовезикал ҳамда эндобилиар фотодинамик терапиянинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва холецистэктомиянинг салбий натижаларини башорат қилиш орқали кекса ва қари ёшдаги беморларда учрайдиган ўткир обтурацион холециститни даволаш самарадорлигини оширишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кекса ва қари ёшдаги беморларда учрайдиган ўткир обтурацион холециститнинг клиник-лаборатор ва инструментал-диагностик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститнинг кечишида микробиологик ва морфологик манзаранинг ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститни хирургик усуллар билан даволаш босқичларида асоратлар ва леталликка олиб келувчи сабабларни таҳлил қилиш ва аниқлаш;

кекса ва қари ёшдаги беморларда учрайдиган ўткир обтурацион холециститда дренаж орқали эндовезикал ҳамда эндобилиар фотодинамик терапия усулларини ишлаб чиқиш;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститни даволашда қониқарсиз натижалар эҳтимолини башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститни хирургик усуллар билан даволаш натижаларини таққослама баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида 2021 йилдан 2024 йилгача кузатув ва даволашда бўлган, кекса ва қари ёшдаги 107 нафар ЎОХ билан касалланган беморларни текшириш ва даволаш натижалари таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни башорат қилиш ва даволаш усулларининг самарадорлигини таққослаш йўли орқали таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун умумклиник, биокимёвий, микробиологик, морфологик, эндоскопик, визуал (тасвирий) ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат яллиғланиш жараёнининг кучайиши, интоксикация ва барқарор эндотоксемиянинг ривожланишига олиб келиши исботланган;

илк маротоба кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар кўп ҳолатда оғир даражадаги вирулентликка эга бўлган грамманфий таёкчалар, яъни факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланган;

илк маротоба перкутан холецистостомия узок муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган;

илк маротоба ишлаб чиқилган дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини (IAP 8076-сонли патент) биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллаш ва холецистэктомияни таклиф этилган башорат қилиш мезонларига асосан танлаш интраоперацион асоратлар сонини 1,7 баробарга, маҳаллий ва умумий операциядан кейинги асоратлар сонини мос равишда 3,5 ва 1,8 баробарга, ўлимни эса 23,1% дан 10,9% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холецистит ЎОХ даволашда қўллаш учун янги ўт қоғи ичи фотодинамик терапия усули ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган ихтиро учун патент, IAP № 8076, 27.05.2025 йил). Ушбу усул қисқа вақт ичида қон айланишни яхшилаш ва яллиғланиш ўзгаришларини сўрилишини таъминлаш имконини берган;

кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХдан кейинги холецистэктомия ХЭК натижалари қониқарсиз бўлиши эҳтимолини башорат қилиш бўйича янги усул ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган электрон ҳисоблаш машинаси дастури учун патент, DGU № 41856, 08.08.2024 йил). Ушбу усул УТТ маълумотлари, лейкоцитар интоксикация индекси (ЛИИ), гематологик интоксикация кўрсаткичи (ГПИ), С-реактив оксил ҳамда ўт қоғидаги микробли ифлосланиш даражасига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумклиник, биокимёвий, микробиологик ва визуал кўрсаткичлар ўзгаришларини баҳолашда объектив мезонлардан фойдаланиш, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатларининг ривожланиш шакли ҳамда тез-тез учрашини таҳлил қилиш, шунингдек, кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХда эндобилиар ФДТ усулини танлашда илмий асосланган ёндашувларни қўллаш асосида таъминланган:

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқотда олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни даволашдаги қониқарсиз натижаларнинг келиб чиқиш хусусиятларини ўрганишга ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишга муҳим ҳисса қўшган. Бунда эндобилиар ФДТ усуллари ва жарроҳлик даволаш босқичларини ўз вақтида қўллаш учун мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дифференциаллаштирилган эндобилиар ФДТ усуллари хирургик даволашнинг биринчи босқичида қўллаш ва ХЭК усулини бемор ҳолатига мос равишда танлаш орқали операция вақти ва ундан кейинги асоратлар, шунингдек, ўлим ҳолатларини камайтиришга эришилган. Ўт йўллари ўтказувчанлигини эрта тиклаш радикал хирургик босқични беморларнинг биринчи госпитализацияси давомидаёқ ўтказиш имконини берган, бу эса шифохонада беморлар қолиш муддатини қисқартириш ва қайта госпитализациялар сонини камайтиришга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича

2025 йил 20 июндаги 20/50 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат яллиғланиш жараёнининг кучайиши, интоксикация ва барқарор эндотоксемиянинг ривожланишига олиб келиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланиб, бу ҳолатни инobatга олиниши ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтиришга имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали бўйича буйруқ (11.03.2025 й.; № 42-сон) ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (09.04.2025 й.; №62-У§2-сон) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланган бўлиб, бу ўз навбатида асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларида фойдаланиш учун имконини яратган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланган, бу ўз навбатида асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларида фойдаланиш учун имконини яратган бўлиб: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5,0 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1350000 сўмга камайтирган (РШТЁИМ Бухоро филиалининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 270000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 105000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* ўткир обтурацион холециститда кузатиладиган морфоструктуравий ўзгаришларнинг асосини ўт қопи тўқималаридаги деструкцияга мойил инфилтратив ўзгаришлар ташкил этганлиги аниқланган, бу ўз навбатида асоратлар ривожланишини олдини олиш усулларида фойдаланиш учун имконини яратган бўлиб, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратлар ва ўлимни камайитириш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: илк маротоба кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар кўп ҳолатда оғир даражадаги вирулентликка эга бўлган грамманфий таёқчалар, яъни факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар грамманфий таёқчалар-факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали бўйича

буйруқ (11.03.2025 й.; № 42-сон) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (09.04.2025 й.; №62-У§2-сон) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар грамманфий таёқчалар-факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланганлигидан фойдаланиш ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар грамманфий таёқчалар-факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланганлигидан фойдаланиш: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1350000 сўмга камайтирган (РШТЁИМ Бухоро филиалининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 270000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 105000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* ўткир обтурацион холециститда ривожланадиган йирингли-яллиғланиш ва деструктив жараёнлар грамманфий таёқчалар-факультатив анаэроблар билан боғлиқ эканлиги исботланганлигидан фойдаланиш, даволаниш самарасини оширишга, даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради.

Учинчи илмий янгилик: илк маротоба перкутан холецистостомия узок муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* перкутан холецистостомия узок муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланганлигини инобатга олиниши беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда, даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали бўйича буйруқ (11.03.2025 й.; № 42-сон) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (09.04.2025 й.; №62-У§2-сон) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* перкутан холецистостомия узок муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган бўлиб, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда фойдаланиш имкон бериб, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* перкутан холецистостомия узок муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган бўлиб, бу ўз беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини

олдини олишда инобатга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларни сарфланадиган харажатларини 1350000 сўмга камайтиришга эришилди. *Хулоса:* перкутан холецистостомия узоқ муддат қўлланилганда яллиғланиш ўчоғида облигат аэроблар ўсиши кузатилиб, бу ўз навбатида касалхона ичи инфекциясининг ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланганлиги сабабли, даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1350000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 525000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тўртинчи илмий янгилик: илк маротоба ишлаб чиқилган дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини (IAP 8076-сонли патент) биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллаш ва холецистэктомияни таклиф этилган башорат қилиш мезонларига асосан танлаш интраоперацион асоратлар сонини 1,7 баробарга, маҳаллий ва умумий операциядан кейинги асоратлар сонини мос равишда 3,5 ва 1,8 баробарга, леталликни эса 23,1% дан 10,9% гача камайтириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллаш ва холецистэктомияни таклиф этилган башорат қилиш мезонларига асосан танлаш интраоперацион асоратлар сонини 1,7 баробарга, маҳаллий ва умумий операциядан кейинги асоратлар сонини мос равишда 3,5 ва 1,8 баробаргача камайтириш имконини берган бўлиб, шифо жараёнини тезлаштириб асоратлар ва ўлимни камайтирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали бўйича буйруқ (11.03.2025 й.; № 42-сон) ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича буйруқ (09.04.2025 й.; №62-У§2-сон) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллаш ва холецистэктомияни таклиф этилган башорат қилиш мезонларига асосан танлаш интраоперацион асоратлар сонини 1,7 баробарга, маҳаллий ва умумий операциядан кейинги асоратлар сонини мос равишда 3,5 ва 1,8 баробаргача камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллаш ва холецистэктомияни таклиф этилган башорат қилиш мезонларига асосан танлаш интраоперацион асоратлар сонини 1,7 баробарга, маҳаллий ва умумий операциядан кейинги асоратлар сонини мос равишда 3,5 ва 1,8 баробаргача камайтириш имконини бериши ҳисобига беморнинг шифохонада даволаниш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1350000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 525000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* дифференциаллаштирилган ўт пуфаги ичи фотодинамик терапия усулини биринчи босқич жарроҳлик даволашида қўллашни амалиётга жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет

маблағларини 1350000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 525000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та патент, 6 та журнал мақолалари бўлиб, 5 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида, 1 таси эса хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, якуний хулосалар, хулосалар, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матннинг умумий ҳажми 131 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кекса ва қари ёшдаги беморларда ўткир калькулёз холециститни комплекс даволашда замонавий тактикалар ва асоратларни бартараф этиш усуллари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида кекса ва қари ёшдаги беморларда лапароскопик холецистэктомиядан (ЛХЭК) кейинги асоратлар хавф омиллари; кекса ва қари беморларда ўткир калькулёз холециститни даволашда тери ва жигар орқали холедохостомиянинг (ТоХС) ўрни ва аҳамияти; йирингли-инфекцион касалликларни даволашда фотодинамик терапия ФДТ самарадорлиги каби масалалар кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, клиник ва лаборатор тадқиқот усуллари, инструментал тадқиқот ва даволаш усуллари тавсифи ёритиб берилган. Тадқиқот объекти сифатида 2021–2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиалида текширув ва даволашдан ўтган 107 нафар кекса ва қари ёшдаги ўткир обтурацион холецистит ЎОХ билан касалланган беморларнинг натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқот предмети сифатида эса кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни башоратлаш ва даволаш усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил этиш белгиланган.

Кўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ, барча беморлар 2 та гуруҳга бўлинган: назорат гуруҳи (52 нафар бемор; 48,6%) ва асосий гуруҳ (55 нафар бемор; 51,4%). Бу гуруҳлар орасидаги фарқ шундаки, асосий гуруҳ беморларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хукукий этика қўмитаси томонидан маъқулланган, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган эндобилиар фотодинамик терапия ФДТ усуллари ва жарроҳликдан кейинги нохуш натижаларни башорат қилиш мезонлари қўлланилган. Назорат гуруҳида асосан кекса ёшдаги аёл беморлар устунлик қилган (38,5%), асосий гуруҳда эса аёллар сони кекса ва қари ёш тоифалари орасида бир хилда (27,3% тадан) тақсимланган.

Кекса ва қари ёшдаги ўткир обтурацион холецистит ЎОХ билан касалланган барча беморлар 2018 йилги Токио тавсияларига асосан асосий касалликнинг оғирлик даражасига қараб тақсимланган. Кекса ёшдаги беморлар орасида касалликнинг ўртача оғирликда кечиши 54,7% (35 нафар бемор) ни ташкил этди, қари ёшдаги беморларда эса бу кўрсаткич 34,9% (15 нафар бемор) ни ташкил қилган. Касалликнинг оғир кечиш ҳолати эса кекса ёшдаги беморларда 45,3% (29 нафар), қари ёшдаги беморларда эса 65,1% (28 нафар) ни ташкил этган. Умумий таҳлил натижаларига кўра, оғир даражадаги ЎОХ билан касалланган беморлар устунлик қилди. Касаллик бошланганидан сўнг 24 соат ичида шифохонага мурожаат қилган беморлар сони жами 4 нафар (3,7%) ни ташкил қилган. Беморларнинг каттароқ қисми (37,4%) касаллик бошланганидан 24–72 соат ўтгач шифохонага мурожаат қилган. Энг кўп беморлар (40,2%) касаллик аломатлари бошланганидан сўнг 3–5 кун ичида клиникага мурожаат қилишган.



1-расм. Ўтказилган тадқиқот дизайни

Яна 20 нафар (19,7%) беморлар эса касаллик бошланганидан кейин 5 кундан кўп вақт ўтиб шифохонага келган. Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.

Шу тариқа, кекса ва қари ёшдаги ЎОХ билан касалланган беморлар патологик жараённинг оғир кечиши билан характерланади ҳамда улар батафсил ва ҳар томонлама комплекс операциядан олдинги текширувни талаб қилган.

Беморларни текшириш усуллари тасдиқланган стандартлар талабларига мувофиқ клиник, лаборатор ва инструментал-диагностик тадқиқотларни ўз ичига олган. Қоннинг лаборатор таҳлилларига умумий клиник, биокимёвий ва коагулометрик тадқиқотлар кирган. Яллиғланиш реакцияси интенсивлигининг даражаси ЛИИ, гематологик интоксикация кўрсаткичи, шунингдек, С-реактив оксил миқдори орқали баҳоланган.

Инструментал-диагностик текширув усулларига қуйидагилар киритилган: қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви (УТТ), эндоскопик эзофагогастроуденофиброскопия ҳамда рентгенологик текширувлар.

ТоХЭ бажариш ультратовушли навигатор назорати остида амалга оширилган. Шу билан бирга, эндобилиар фотодинамик терапия ФДТ учун TSh 64-15302652-002:2010 техник талабларга мувофиқ «АЛТ-Восток» 03-моделли қурилма қўлланилган (2-расм).

Эндобилиар фотодинамик терапия ФДТ амалга оширилишидан олдин рентгенконтрастли холецистография ёки холангиография ўтказилган. Бу мақсадда «Brivo» (Хитой, 2019) компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Brivo OEC 785 рентгенологик аппаратидан фойдаланилган.



2-расм. Умумий кўриниши — «АЛТ-Восток» аппарати, модель 03.

Бемор ҳолатининг оғирлик даражаси анестезиологларнинг жисмоний ҳолат классификацияси (ASA-PS) бўйича баҳоланди. Ҳамроҳ касалликлар оғирлиги эса М.Е. Charlson (1987) классификацияси асосида аниқланган.

Қорин бўшлиғини даволаш-диагностик тадқиқот жараёнида KARL STORZ лапароскопи қўлланилди, у «STORZ» компанияси томонидан 2022

йилда Германиянинг Туттлинген шаҳрида ишлаб чиқарилган. Лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭК) бажарилганда, қорин бўшлиғидаги инфуляция босими 10 мм симоб устунигача кўтарилди. Агар техник сабабларга кўра ЛХЭКни бажариш имконсиз бўлса, конверсия усулига мурожаат қилинди.

Олиб ташланган ўт қопи ҳамда гепатодуоденал соҳадан олинган биопсия материалининг морфологик текшируви марказнинг патологоанатомик лабораториясида ўтказилган. Текширилаётган материал бир суткага 10% ли нейтрал формалин эритмаси солинган идишга туширилган. Кейин материал спиртли эритмада мустақкамланган ва қуритилгандан сўнг парафинга солиниб блоклар тайёрланган. Бўлакларнинг қалинлиги 5–7 мкм қилиб ясалган ҳамда гематоксилин-эозин бўёқлари билан бўялган. Микропрепаратлар «ZEISS» (Хитой) ишлаб чиқарган Primo Star микроскопида турли оптик катталаштиришда ўрганилган.

Оператив аралашув мураккаблиги А. Cuschieri ва G. Berci (1990) таснифи бўйича аниқланган. Асорлар мураккаблиги ва ўлим ҳолатлари даражаси эса Clavien-Dindo (2009) мезонлари билан баҳоланган.

Маълумотларни статистик ишлов бериш шахсий компьютерда Statistica 10.0 дастури (StatSoft Inc., АҚШ) ёрдамида амалга оширилган. Рақамли кўрсаткичлар ўртача қиймати (М) ва стандарт хатолик (m) сифатида, сифат кўрсаткичлари эса абсолют қийматлар ва фоизлар (%) сифатида ифодаланган. Гуруҳлар орасидаги жуфт солиштиришлар сифат кўрсаткичлари бўйича χ^2 критерийи, шу жумладан Йетс тўғриловчи ва Фишер аниқ критерийлари билан, кўпкатталиқ солиштиришлар эса Q-Кохрен критери билан бажарилган. Фарқлар $p < 0,05$ даражасида статистик аҳамиятли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Кекса ва қари ёшдаги беморларда ўтқир обтурацион холециститни анъанавий усулларда даволаш натижалари”** деб номланган учинчи бобида кекса ва қари ёшдаги беморларда ўтқир обтурацион холецистит ЎОХ ни анъанавий усуллар билан даволаш натижаларини таҳлил қилиш тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Ушбу бобда қуйидаги масалалар: кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ клиник-лаборатор ҳамда инструментал-диагностик кўринишларининг хусусиятлари; кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ кечиши давомида микробиологик ва морфологик манзаранинг ўзгариш хусусиятлари ва таҳлили; жарроҳлик даволаш босқичларида кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ асоратлари ва леталлик сабабларининг хусусиятлари ва таҳлили кўриб чиқилаган.

Аниқланишича, кекса ва қари ёшдаги беморларда ўтқир обтурацион холецистит ЎОХ клиник-патоморфологик кўринишларининг асосида ўт қопи атрофидаги тўқималарда яллиғланиш-инфильтратив ўзгаришларнинг прогрессив ривожланиши ва ўт қопи деворининг деструкцияси ётган. Яллиғланиш жараёни ва эндотоксемиянинг кучайиши ЛИИ 3 баробарга, ГПИ (гематологик-плазматик индекси) 2,3 баробарга ва С-реактив оксил (СРО) даражаси 37,7 баробарга ошиши орқали намоён бўлган. Шунингдек, гемостаз

тизимининг турли бўғинлари ўртасидаги дисбаланс, хусусан фибриноген даражасининг 1,3 баробарга камайиши ва қонда D-димер миқдорининг 4,6 баробарга ўсиши фонида гангреноз шаклдаги ЎОХнинг тезкор ривожланишига олиб келган, бу ҳолат асосан қари ёшдаги беморлар орасида кузатилган.

Кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ ривожланишида ўт қопи ичидаги ўт суюқлиги грамманфий таёқчалар (77,3%) устунлик қилиши аниқланган, уларнинг аксарият қисми факультатив анаэроблар (72,6%) бўлиб, асосан *Escherichia coli* (66,4%) билан ифодаланган. ТоХСни узоқ муддат (15 кундан ортиқ) қўллаш натижасида облигат аэроблар — *Pseudomonas aeruginosa* ва *Sphingomonas paucimobilis* миқдори мос равишда 80% ва 85% гача ортиши кузатилган. Бу ҳолат, айниқса, ўт қопининг некробиотик ўзгаришлари, хусусан унинг гангреноз шаклларида яққол намоён бўлиб, касалхонада юқумли инфекциянинг ривожланишига замин яратган ҳамда беморда давомли йирингли-яллиғланиш жараёни сабабчисига айланиши мумкинлиги кузатилган.

Назорат гуруҳига киритилган барча кекса ва қари ёшдаги ЎОХ билан касалланган беморларда жарроҳлик даволашнинг биринчи босқичида ТоХС усули қўлланилган. Шу билан бирга, 3 (8,6%) беморда иккинчи босқич жарроҳлик аралашувини 3 кун ўтиб ўтказилган ва ушбу ҳолатларнинг барчасида конверсия юз берган. Кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни жарроҳлик даволашнинг биринчи босқичини ўтказишдан сўнг 7-кунга келиб 8 (22,9%) беморда иккинчи босқич даволаш амалга оширилган ва аввалги муддатлардаги кузатувлардек, бу сафар ҳам барча беморларда лапароскопик усулдан сўнг конверсия қилишга тўғри келган. Бунда асосан (70%) анъанавий ХЭК бажарилган. 15-кунга келиб 15 (42,9%) беморда ХЭК бажарилган, уларнинг қарийб ярми (43,5%) ҳолатларда лапароскопиядан конверсия қилиш билан яқунланган. Фақат 30-кунга келиб ХЭКни тўлиқ лапароскопик усулда яқунлашга эришган. Холецистэктомия 54,3% ҳолларда юқори даражадаги мураккабликка эга бўлиб, 2 та ҳолда ўт йўллариининг ятроген шикастланиши рўй берган ва бу ҳолатлар оқибатида ўтли перитонит ривожланган.

Clavien-Dindo классификацияси бўйича кекса ва қари ёшдаги ЎОХ билан касалланган беморларга қўлланган жарроҳлик усулларида кейинги асоратларни кузатиш динамикаси, асосан, операциядан сўнг 3–15 кун ичида асоратларнинг кўпайишини кўрсатган. Назорат гуруҳидаги беморлар орасида леталлик 12 (23,1%) нафарида қайд этилган.

Шундай қилиб, кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни жарроҳлик даволаш босқичларида асоратлар ва леталликнинг асосий сабаблари: яллиғланиш жараёнининг узоқ давом этиши юқори учраши аниқланган (30-кунга келиб 26,9% ва 30 кундан ортиқ давом этган ҳолларда 17,3%), бу эса оғир йўлдош касалликлар фонида, коморбид кечишга ўтиб, клиник манзарани янада мураккаблаштириши аниқланган. Шунингдек, холецистэктомия ХЭКни амалга оширишдаги техник қийинчиликлар ва юқори конверсия кўрсаткичи

(48,8%) бевосита интраоперацион (69,8%) ҳамда маҳаллий операциядан кейинги (89,7%) асоратларнинг юзага келиш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган. Кекса ва қари ёшдаги ЎОХ билан касалланган беморлар орасида леталликнинг юқори кўрсаткичига олиб келувчи асосий омиллар фатал асоратларнинг юқори улуши (40,4%) бўлиб, улар моно ёки полиорган етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқдир ва бундай ҳолатларда даволашни давом эттириш учун интенсив терапия талаб этилиши ҳамда радикал характердаги операцияларни ўтказишдан воз кечиши аниқланган. Буларнинг барчаси маҳаллий санация усуллари, жумладан ТоХСни такомиллаштиришни талаб этади, бу эса яллиғланиш жараёнини эрта бартараф этишга ва каминвазив жарроҳлик технологияларидан фойдаланган ҳолда радикал жарроҳлик аралашувини ўтказиш учун шароит яратишга хизмат қилиши аниқланган.

Юқорида келтирилган хулосага асосан микробиологик, морфологик ва қон лаборатория кўрсаткичларида кузатилган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар яллиғланиш жараёнининг шиддатли кечишини ифодалайди. Кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни миниинвазив жарроҳлик усуллари билан даволаш шароитида ҳам, операциянинг биринчи ва иккинчи босқичларида, юқори техник мураккаблик ҳолатлари кузатилган.

Умуман олганда, кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХнинг клиник белгилари сифатида ўнг қовурға ёйи остидаги оғриклар, кўнгил айнаши, қусиш, интоксикация аломатлари кузатилган. Бу ҳолатлар гемоглобин миқдорининг пасайиши (анемия), гиповолемия, лейкоцитоз, тромбоцитоз ва ЭЧТ тезлашуви билан бирга кечган. Маълумки, ушбу лаборатор кўрсаткичлар кекса ва қари ёшдаги беморларда яллиғланиш жараёнига хос умумий организм реакциясини акс эттиради. Шу билан бирга, инструментал тадқиқот усуллари кўрсатдики, кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХнинг асосий белгиларига яллиғланиш жараёнининг ўпка безига ўтиши, жигар эхоструктурасининг йўқолиши ва унинг эхогенлигининг бузилиши киради.

Кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ (ўткир обструктив холецистит) даврида яллиғланишнинг устувор кўзғатувчилари сифатида *Escherichia coli*, *Enterobacter spp.*, *Klebsiella spp.* ва *Staphylococcus aureus* аниқланган. Икки босқичли жарроҳлик даволаш усулларида — яъни ТоХС ва ундан кейинги холецистэктомия ХЭК — фойдаланиш операциянинг иккинчи босқичини амалга оширишда техник қийинчиликлар ва юқори даражадаги интра- ва операциядан кейинги асоратлар билан кечган.


Бундай ҳолларда летал натижаларнинг асосий сабаблари сифатида оғир асоратларнинг юқори учраш частотаси ва гепатобилиар соҳада узоқ муддат сақланувчи патологик ўзгаришлар туфайли операцияни бажаришда юзага келувчи техник мураккабликлар кўрсатилади. Буларнинг барчаси кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни жарроҳлик йўли билан даволашнинг дастлабки босқичидаёқ яллиғланиш ўчоғини самарали санация қилиш усуллари такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Кекса ва қари ёшидаги беморларда ўткир**


обтурацион холетсиститни даволаш усулларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХ (ўткир обструктив холецистит) ни даволаш усулларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Кекса ва қари ёшдаги беморларда ўт пуфаги атрофида яққол ифодаланган яллиғланиш инфилтрати мавжудлиги ва йўлдош соматик касалликларнинг коморбид кечиши, ҳатто ЎОХни жарроҳлик даволашнинг биринчи босқичида ТоХС усулини қўллаш шароитида ҳам, даволашнинг кутилган натижаларини тўлиқ қўлга киритиш имконини бермайди ва полиорган етишмовчилиги ҳамда леталлик ривожланишининг юқори улуши сақланиб қолиши аниқланган. Юқорида қайд этилган ҳолатлар кекса ва қари ёшдаги беморларда ЎОХни даволаш усуллари, айниқса жарроҳлик аралашувининг биринчи босқичида ТоХСни такомиллаштириш зарурлигини асослаб беради. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида муаллиф томонидан асосий гуруҳ беморларида ЎОХни даволашда янги — ўт қоғи ичига йўналтирилган дренаж орқали фотодинамик терапия (ФДТ) усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (3-расм).

Мазкур даво усулини амалга ошириш учун, ультратовуш назорати остида чуқур холецистостомия (ЧХС) ўрнатилади. Шундан сўнг, ўт қопининг контурлари, ҳажми ва тўсилиш даражасини аниқлаш мақсадида назорат контрастли холецистография ўтказилади. Фотосенсибилизатор сифатида 0,05% ли Метилен кўки эритмаси қўлланилди. Биринчи сеансда фотодинамик лазер нурланиши 10 дақиқагча давом эттирилди. Иккинчи сеансда нурланиш давомийлиги 5 дақиқадан ошмади, кейинги кунларда эса ҳар бир сеанс 3 дақиқагача қисқартирилди.



3-расм. Ўт қоғи ичидаги фотодинамик терапия ФДТ нинг схематик тасвири



Расм 4. Схематик кўриниши — тери ва жигар орқали фотодинамик терапия ФДТ ўт йўлларидаги папиллит ва холангит билан асоратланган ЎОХ ҳолатларида.

